ВИРТУАЛ АХБОРОТНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ВИРТУАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИИ НА СОЦИАЛЬНУЮ СТАБИЛЬНОСТЬ

IMPACT OF VIRTUAL INFORMATION ON SOCIAL SUSTAINABILITY

Behzodbek I. SOIPOV,
Head of the Department at the Committee of Religious Affairs under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan
BEHZODBEKSOIPOV2021@GMAIL.COM
12, Navoi str., Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2021/3/6

Аннотация: *Мазкур мақолада ахборот тушунчаси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти, Ўзбекистон ва жаҳон шароитида ахборотдан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилади. Бугунги кун виртуал олами глобаллашув жараёни сабаб бутун инсоният учун маълум маънода таҳдид кучига айланиб қолаётгани фактлар билан асослаб берилган. Бу борада виртуал ахборотларнинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига бевосита таҳдид солаётгани ҳам атрофлича ёритилган. Дунёнинг ривожланган давлатларида виртуал таҳдидларнинг олдини олиш борасида юритилаётган сиёсатга ҳам тўхтаб ўтилган. Виртуал таҳдидларнинг айнан нималарда акс этаётгани, уларни бартараф этиш йўллари очиқланган.*

Мақолада виртуал олам ва виртуал мулоқот индивид баробарида жамият учун ҳам нақадар таъсирли ҳолга келиб қолгани тадқиқотлар мисолида таҳлил қилинган. Кенг оммалашиб улгурган "виртуал" сўзи билан боғлиқ бир қатор атамалар (виртуал ҳаёт, виртуал оила, виртуал севги) пайдо бўлганига урғу берилган.

Маълумки, ҳозирги даврда Интернет тармоқларида тарқатилаётган ахборотлар ўзининг позитив аҳамияти билан бир қаторда салбий ҳолатларни ҳам ўзида акс эттиради. Айниқса, YouTube, facebook, Telegram, WhatsApp каби ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган негатив ахборотлар кўламининг тобора ортиб бораётганлиги айни шу йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш заруратини пайдо қилмоқда. Интернет орқали ёшлар ўртасида жамиятда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги ахборотларни бузиб талқин қилиш, айниқса, диний ақидапарастликни уларнинг дунёқарашига аноним тарзда чуқур сингдириш ҳолатлари тобора авж олаётганлиги бу муаммони ўрганиш ва унинг олдини олиш қай даражада муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Шу маънода мақоланинг асосий қисми виртуал олам имкониятларидан диний-экстремистик гояларни тарқатишда фойдаланиш мавзусига бағишланган. Бу борада замонавий дунёда ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтлари улкан таъсир кучига айлангани террорчи ва экстремистик гуруҳларни ҳам бефарқ қолдирмагани, уларнинг ушбу воситалардан фойдаланишда фаоллик кўрсатаётгани ИШИД мисолида кўрсатиб берилган.

Мақоланинг хулоса қисмида келажак авлодни виртуал олам таҳдидларидан ҳимоя қилиш зарурати борасидаги таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар*: виртуал таҳдид, интеграллашув, глобаллашув, диний, этник, ташқи сиёсат, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий тармоқлар, мафкуравий иммунитет, технологик навациялар, терроризм, экстремизм.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается понятие информации и ее важность на сегодняшний день, использование информации в Узбекистане и мире, а также освещаются меры, принимаемые для обеспечения информационной безопасности. Сегодняшний виртуальный мир основан на том факте, что процесс глобализации становится в определенном смысле угрозой для всего человечества. В этой связи подробно освещается тот факт, что виртуальная информация представляет в некоторых аспектах прямую угрозу социально-политическим процессам в обществе. Кроме того в статье была затронута политика предотвращения виртуальных угроз в развитых странах мира. Выявлено, что именно представляют собой виртуальные угрозы и способы их устранения.*

В статье исследуется, как виртуальный мир и виртуальное общение обрели сильное влияние как на личность, так и на общество. Подчеркивается, что ряд терминов (виртуальная жизнь, виртуальная семья, виртуальная любовь) возникли в связи со словом «виртуальный», ставшим популярным.

Известно, что информация, распространяемая сегодня в интернете, помимо положительного значения, имеет еще и отрицательное. В частности, растущее количество негативной информации, распространяемой в социальных сетях, таких как YouTube, Facebook, Telegram, WhatsApp, создает необходимость нахождения решения проблем в этой области. Растущее искажение информации о позитивных изменениях в обществе среди молодежи через Интернет, особенно анонимное проникновение религиозного фанатизма в их мировоззрение, подчеркивает важность изучения и предотвращения этой проблемы. В этом смысле основная часть статьи посвящена предотвращению использования возможностей виртуального мира в распространении религиозно-экстремистских идей. На примере деятельности ИГИЛ показано, что в современном мире социальные сети и интернет-сайты стали огромной силой влияния, которая не оставила равнодушными террористические и экстремистские группы, активно В заключение были предоставлены

предложения и рекомендации о необходимости защиты будущих поколений от угроз виртуального мира.

Ключевые слова: *виртуальная угроза, интеграция, глобализация, религиозная, этническая, внешняя политика, безопасность, социальные сети, идеологический иммунитет, технологические инновации, терроризм, экстремизм.*

Abstract: *The article discusses the concept of information and its importance today, the use of information in Uzbekistan and the world, the measures taken to ensure information security. In this regard, the fact that virtual information poses a direct threat to the socio-political processes of society is also covered in detail. Places where the virtual threats are reflected and ways to eliminate them have been revealed.*

The article illustrates how effective the virtual world and virtual communication have become for individuals and society. It is emphasized that several terms (virtual life, virtual family, and virtual love) have emerged in connection with the word virtual, which has become popular.

We know that the information spread on the Internet today, in addition to its positive significance, also reflects the negative. In particular, the growing amount of negative information spread on social networks such as YouTube, Facebook, Telegram, WhatsApp creates the need to address the problems in this area. The growing distortion of information about positive changes in society among young people through the Internet, especially the anonymous penetration of religious fanaticism into their worldview, underscores the importance of studying and preventing this problem. The body part of the article focuses on the use of the opportunities of the virtual world in the spread of religious, extremist ideas. In this regard, the fact that the terrorist and extremist groups have not left indifferent to the considerable influence of social networks and Internet sites and their activeness in using these tools are shown in the example of ISIS.

To conclude, the article provides suggestions and recommendations on the need to protect future generations from the threats of the virtual world.

Keywords: *virtual threat, integration, globalization, religious, ethnic, foreign policy, security, social networks, ideological immunity, technological innovation, terrorism, extremism.*

КИРИШ

Бугунги кунда дунёнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг ҳам ортиб бораётганлиги барча минтақа ва давлатларни ташвишга солаётган долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, виртуал оламда ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшлар, шунингдек, ўз қатъий фикри ва позициясига эга бўлмаган одамларни ўз домига тортиб кетадиган, динни ниқоб қилиб олган турли экстремистик оқимларнинг даъватлари жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқармоқда. Натижада миллий, этник, диний, ҳудудий, сиёсий ва ҳарбий аҳамият касб этган можароларнинг сони ортиб, давлатлар мустақиллигига таҳдид солмоқда.

Дунёдаги илмий марказлар томонидан диний мазмундаги ахборот хуружларига қарши ёшларда ўз-ўзини ҳимоялашнинг диагностик-профилактик тизимини ишлаб чиқиш орқали инсон онгига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралаш муаммоларининг илмий-амалий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда (Muhammadsidiqov, 2018).

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий таҳдидларнинг янги кўринишлари асосан виртуал ахборот кўринишида намоён бўлаётганлигини Ҳаракатлар стратегиясида ҳам "...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш" (ЎзР ПР Фармони, 2017) муҳим вазифа этиб белгиланди. Халқаро террористик ва экстремистик ташкилотларни виртуал олам орқали ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилаётганлиги ҳам жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

УСЛУБЛАР

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё сиёсатида кескин ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда дунё мамлакатлари янги жўғрофий-сиёсий вазиятларда, глобаллашув, халқаро терроризм ва экстеримизм, наркобизнес, кескин ахборот курашлари шароитларида ривожланмоқда. Шунингдек, бугунги кунда жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, атроф-муҳит ҳалокатли тарзда ифлосланишининг олдини олиш, инсониятни зарур ресурслар – озиқ-овқат, саноат хомашёси, энергия манбалари билан таъминлаш, фан ва техника тараққиёти салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик каби глобал муаммоларни ҳал этиш долзарб ҳисобланади.

2006 йил БМТ Бош Ассамблеясида 17 майнинг Бутунжаҳон ахборот жамияти куни деб эълон қилинганлиги, 2001 йилда ЮНЕСКОнинг «Ахборот ҳамма учун» халқаро дастурининг қабул қилиниши, ахборотлашган жамият масалаларига бағишланган Бутун дунё саммитининг ташкил этилиши, 2000 йил 22 июлда «Катта саккизлик» учрашувида «Глобал ахборотлашган жамият Хартияси» қабул қилиниши айни шу йўналишдаги муаммоларни сиёсий фанлар нуқтаи назардан тадқиқ этишни кун тартибига қўймоқда.

Бугунги кунда виртуал таҳдидлар авж олаётган мураккаб бир шароитда, турли мазмундаги бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашларни изчил равишда ўрганишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда С.Расторгуев таъкидлаганидек, “Кўпгина мамлакатлар ўз фуқаролари, маданияти, анъаналари ва маънавий бойликларини бегона давлат ахборот таъсиридан сақлаш учун махсус чоралар кўрмоқдалар. Миллий ахборот манбаларини ҳимоя қилиш ва ахборот махфийлигини, жаҳон очиқ тизимларида ахборот алмашинувини сақлаб қолиш зарурияти туғилган. Чунки, бундай кетишда давлатлар сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилик, халқаро муносабатларда инқирозга юз тутиши мумкин. Шунинг учун, ахборот хавфсизлиги, ахборот жанги ҳамда ахборот қуроли ҳозирги кунда барчанинг эътибор марказида” (Muhammadsidiqov, 2018) бўлиб қолмоқда.

Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан стратегик ҳамкорлиги, бир томондан, минтақавий муаммоларни ҳал қилишга, мамлакатнинг глобал жараёнларда фаол иштирок этишига кўмаклашади. Иккинчи томондан эса, ички ва ташқи сиёсатнинг демократик жараёнларини либераллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг дунё сиёсий майдони, айниқса, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида кечаётган жараёнлардаги дадил хатти-ҳаракатлари, мамлакатда ички сиёсий ҳаётнинг фаоллашуви бизга ошкора ёки пинҳона душманлик кайфиятидагилар кам эмаслигини исботлаб турибди. Бу жараённи ошкора ёки пинҳона кучлар йирик трансмиллий корпорация, алоҳида ташкилот, ҳатто террористик гуруҳларнинг ахборот воситалари иштирокида мамлакатимизга қарши ахборот тарқатиш бўйича зиддиятли аҳволни юзага келтираётганлиги билан асослаш мумкин. Бундай виртуал таҳдидлардан кўзда тутилган асл мақсад аён: бу, биринчидан, давлат ва унинг раҳбариятини, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларни обрўсизлантиришга уриниш; иккинчидан, ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги борасида аҳолида шубҳа туғдириш, ҳокимиятга нисбатан ишончсизликни пайдо қилиш ва ҳатто “аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилувчи давлатда демократик жамият қуриб бўлмаслиги ва бу борадаги уринишлар ёмон оқибатларга олиб келиши” билан одамларни қўрқитиш; учинчидан, мамлакатдан инвесторларни чўчитиш, мамлакатда гўё демократик тамойилларга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилаётгани ҳақида сафсата сотиш билан дунё сиёсий ва ишбилармон доираларида Ўзбекистонни салбий бўёқларда кўрсатиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Глобал ўзгаришлар шаротида “Бундай таҳдиддан миллий чегаралар ортига беркиниб бўлмайди, чунки у умумбашарий хусусиятга эгадир” (Г.Померанц, 1998).

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Россия сингари кўплаб ривожланган мамлакатларда виртуал таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишга миллиардлаб доллар маблағ сарфланмоқда. Виртуал таҳдидларнинг биринчи объекти зиёлилар, шифокорлар, ўқитувчилар, маданият соҳаси ходимлари ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, аҳолининг айнан шу қатлами миллатнинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий дунёқарашини шакллантиришда алоҳида ўринни эгаллайди. Зиёлилар қатлами аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан ақлий меҳнат билан кўпроқ шуғулланганлиги боис, мулоқотга киришувчан, ўзгарувчан характерга эга бўлиб, уларда ўз-ўзини баҳолаш ҳисси юқори даражада ривожланган бўлади. Бу эса бутун мамлакат, вилоят, ҳудуднинг ижтимоий ҳаётининг сиёсий таҳлили, олий маълумотга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, айнан зиёлилар қатлами маданият, иқтисод ва жамиятнинг бошқа соҳаларида янгиликнинг тарафдори ва тарғиботчисидир. Ижтимоий фикрнинг янгиланишида, эскича қарашлардан воз кечиб жамиятнинг ўзига хос мақсад, манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янгича дунёқарашни юксалтириш муҳим рол ўйнайди. Дарҳақиқат, инсон онгли мавжудот сифатида фикрлайди, янги ахборотлар оқими ҳақида фикр-мулоҳаза юритади, таҳлил қилади, хулоса чиқаради. Унинг яна бир хусусияти шундан иборатки, онг билан боғлиқ бу жараёнлар натижасини бошқа инсонлар билан баҳам кўришга,

ҳиссиёт ва кечинмалари билан ўртоқлашишга ҳаракат қилади. Виртуал таҳдидларнинг иккинчи объекти динамик, ўзгарувчан характерга эга, барча соҳаларда янгиликларга интилаётган ёшлар бундай ахборот хуружлари таъсирига тез тушиб қоладилар. Шу боисдан ҳам бугунги ёш авлод Г.Померанц таъкидлаганидек, "Интернетга тобора тобе сифатида боғланиб қолмоқда ва ўзи сезмаган ҳолда унга тобе бўлиб қолмоқда. Оқибатда гўёки эркин кўринган бундай қатламни хоҳлаган кўйга солиб ўйнатиш мумкинлигини бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди" (Н.Абдуазизова, 2010).

ТАҲЛИЛЛАР

Ҳозирги даврда Интернет тармоқларида тарқатилаётган ахборотлар ўзининг позитив аҳамияти билан бир қаторда салбий ҳолатларни ҳам ўзида акс эттирмоқда. Айниқса, YouTube, facebook, Telegram, WhatsApp каби ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган негатив ахборотлар кўламининг тобора ортиб бораётганлиги айни шу йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш заруратини пайдо қилмоқда. Интернет орқали ёшлар ўртасида жамиятда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги ахборотларни бузиб талқин қилиш, айниқса, диний ақидапарастликни уларнинг дунёқарашига аноним тарзда чуқур сингдириш ҳолатлари тобора авж олаётганлиги бу муаммони ўрганиш ва унинг олдини олиш қанчалик даражада муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Бизга маълумки, Интернетдан хоҳлаган одам исталган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиқсиз кириши мумкин. Бунда биринчи навбатда, назорат йўқлигидан фойдаланиб қоладиган бузғунчи кучлар ўз таъсир доираларини оширишга ҳаракат қилишлари аниқ. Чунки бундай глобал Интернет тармоқларида ахборот тайёрлаш ва тарқатиш арзон, давлат чегараларидан бемалол ўтиб кетаверади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Интернет бузғунчилик, қўпорувчилик ғояларини, порнография ва бошқа иллатларни тарғиб қилувчи "макон"га айланиб қолмоқда. Интернет орқали амалга ошириладиган ахборот хуружларининг олдини олиш эса жуда ҳам мураккаб масалалардан ҳисобланади.

МДҲ доирасида «В Контакте», «Одноклассники», «Мой Мир» каби Интернет тармоқларида ИШИД ғоялари билан бир қаторда турли даражадаги миш-мишлар, носоғлом кайфият туғдирувчи фикрлар, турли ижтимоий гуруҳлар орасида душманона кайфиятлар, яъни миллатчилик, расизм, жангари экстремизм ва фанатизм ғоялари тарқатилаётганлиги ҳам алоҳида қайд этилмоқда. Кўрсатиб ўтилган маълумотлардан маълум бўладики, бугунги кунда бирор-бир давлатни босиб олиш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш шарт эмас. Зеро, бундай виртуал таҳдидлар ҳарбий хатти-ҳаракатларга нисбатан жуда арзон бўлиб, у ядро қуролидан ҳам самаралироқ таъсир кўрсатиш имконига эга. Яъни ахборотга эга шахс ҳар қандай жараённи назорат қила олади ва ундан ўз мақсад ва манфаати йўлида самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бундай ахборий таҳдидлар «таъсири»нинг ортиб бориши турли соҳалар, жараёнлар, мамлакатлар, объектлар, гуруҳлар, шахслар фаолиятини ўз ичига қамраб олаётганлиги билан характерланади. Шу маънода, Ўзбекистон ахборот маконининг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари кенгайишидан, ҳақиқий миллий, маърифий, хавфсиз майдон бўлиб қолишидан манфаатдордир (B.Sweetman , 2003).

Виртуал таҳдидларнинг ижтимоий оқибатларини сиёсий фанлар доирасида ўрганиш долзарб ҳисобланади. Чунки бу кўринишдаги таҳдидлардаги кўплаб салбий тенденциялар ва муаммолар ҳанузгача кам ўрганилган. Бу эса виртуал оламда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий трансформация жараёнининг бутун жамиятга, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига табиийдир. Шу боисдан ҳам айрим тадқиқотчилар виртуал таҳдидлар таъсирига тушиб қолган ёшларни тобелик ҳамда тушкунлик, ўз жонига қасд қилиш каби зарарли иллатлар ўз домига тортиб олаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар (Muhammadsidiqov, 2016). Масалан, АҚШда ўтказилган тадқиқотлар ёшларнинг порно-сайтларга кириши уларнинг ижтимоий хаттиҳаракатларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Сабаби шундан иборатки, айнан ижтимоий тармоқдан фойдаланувчи кишилар тармоқдаги бошқа иштирокчилар билан виртуал ҳолатда эркин мулоқотга киришади, ўзини реал мулоқотдагидан кўра анча хотиржам ҳис қилади, шахсий саҳифасини ўзини хуш кўрган расмлар билан тўлдиришга, статусига мақтов гапларни ёзишга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, у виртуал дунёда ўзини идеал инсон сифатида тасаввур этади, бу эса унинг реал ҳаётда инсонлар билан мулоқотида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки жамиятшунос олимлар тўғри таъкидлаганларидек, виртуал реаллик инсон онгининг ўзгаришига қанчалик таъсир этишини аниқ айтиб бериш қийин, чунки виртуалликка қарамлик асосида ётувчи ўта кучли мойилликни юзага келтиради.

Виртуал мулоқот пайтида инсонда феноменал ахлоқий эркинлик пайдо бўлади ва у бевосита жамиятдаги ахлоқий нормаларни инкор этади. Ушбу фаразни инобатга олган ҳолда, ижтимоий тармоқларнинг жамиятга ва шахсга зарарли

таъсири анча ортади. Чунки мунтазам ижтимоий тармоқлардан кўнгилхушлик учун фойдаланиш, ёшларда, умуман, фойдаланувчиларда Интернет аддиксияси (зарарли одатга берилиш, қарамлик), ўзига хос Интернет касаллигини вужудга келтиради. Ҳаётий соф туйғуларни виртуал (ҳаётий бўлмаган) туйғуларга алмаштириш ҳолатлари тобора авж олади. Виртуал севги, виртуал дўстлик, виртуал ҳаёт, виртуал оила, виртуал ҳамфикр каби сунъий ёки ёлғон ҳиссиётлар минг йиллар давомида юзага келган инсонларнинг табиий ҳаётий туйғуларининг, ўзаро мулоқот тарзининг виртуаллашувига олиб келиши мумкин. Ҳатто ахборот соҳасининг йирик вакили Билл Гейтс ҳам "Интернет аддиксияни гиёҳвандлик каби касаллик сифатида баҳолашини ҳамда ундан осон қутулиб бўлмаслигини, махсус реабилитацион муолажалар орқалигина ундан холи бўлиш мумкинлигини эътироф этган" (B.Sweetman, 2003). Масалан, оддий сўзлашувда жаргон (сўзларни бузиб гапириш), вулгаризм (фаҳш, сўкиниш, ҳақоратли сўзлар) ва варваризм (бошқа тиллардаги сўзлардан қўпол фойдаланиш) дан эркин фойдаланилади ва бу бевосита миллий тилнинг бузилишига олиб келади. Шунингдек, инсон томонидан ишлатилаётган барча қўпол ва беҳаё сўзлар маълум вақт ўтиб ёки ўша вақтнинг ўзидан бошлаб психикада ўз инъикосини вужудга келтириб боради. Шу боисдан ҳам бугунги глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида миллий маънавият мавжудлигининг ўзи етарли эмас, унда ташқи таҳдидларга қарши қаратилган ички руҳий қудрат, унинг амал қилиши ва фаолият кўрсатиши ҳам зарур бўлади (С.Отамуродов, 2008). Виртуал воқелик ғайриводелик, шу сабабдан биз унда инсон тафаккурининг эркинлигини, айрим ҳолларда эса, ўзбошимчалигини кўрамиз. Яъни виртуал воқелик жуда мослашувчан, яъни ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Ва у ўзида беқарор оламни акс эттирар экан, шу билан бирга зарур кечинмаларни вужудга келтиришга йўналтирилган муҳит, яъни воқелик тарзида намоён бўлади. Қониққанлик ҳолати виртуал воқеликнинг устувор мақсадларидан биридир. Дарҳақиқат, виртуал воқелик ва уни келтириб чиқарадиган ижтимоий-сиёсий муаммолар таҳлили учун бугунги кунда сиёсий фанлар доирасида замонавий категориялар етарли эмас.

Виртуал оламда мавжуд ахборотлар характери ва тартиби жамият сиёсий осойишталик ва барқарорлигининг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қилади. Жумладан, виртуал ҳаётда диний фикрлар хилма-хиллиги ҳолати намоён бўлса, беқарорлик кўрсаткичи, диний муносабатлар тизимида муаммоли вазият етилиб келаётганининг ўзига хос аломати сифатида талқин қилинади. Бугунги кунда сиёсий соҳада кучга қараганда ахборот омили тобора сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатларнинг ташқи сиёсатда эришаётган муваффақияти нафақат ҳарбий қудрат ва иқтисодий салоҳият билан, балки жаҳон миқёсида кечаётган ахборот ва маданий соҳалар устидан назорат ўрнатишга қаратилган оммавий дипломатия вазифаларини таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бугунги кунда тезкор усуллар ёрдамида у ёки бу воқеа, ҳодиса ҳақидаги хабар бир зумда Ер юзининг барча нуқталарига етказиб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ахборот хуружи ғаразли геосиёсий манфаатларни амалга ошириш йўлида турли кучлар томонидан кенг қўлланмоқда. Бундай ҳолат геосиёсий кучларнинг дунёнинг йирик теле ва радиоканалларига, интернет сайтларига турли сиёсий кучларнинг босим ўтказишга интилаётганини, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётганини кўрсатади. Шундай шароитда, ахборот узатиш жараёни дунё миқёсида демократик қоидалар асосида амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кун талаблари демократиянинг ягона моделини инкор этади. Чунки ҳар бир суверен давлат демократик жамият қуриш сари интилар экан, аввало, ўз қадриятларига, миллий менталитетига суянади, истиқбол учун режалар шулардан келиб чиқиб тузилади, мақсадлар эса ўша халқ манфаатларини ифода этади. Иккинчи томондан, демократия умумэътироф этилган қонун-қоидаларни рад этмайди, балки уни мустаҳкамлайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, бирор жойда пайдо бўлган қонуниятларни иккинчи жойда шундайлигича тўлиқ ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди. Унинг самарали томонларини ўрганиш, камчиликларидан хулоса чиқариб, ўша халқнинг тарихий, маданий қадриятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиш зарур.

МУҲОКАМА

ИШИД Twitter, Facebook, Instagram, WhatsApp ва Telegram каби ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан фаол фойдаланган биринчи террорчи ташкилотдир. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар барча бошқа расмий манбаларни тез-тез алмаштириб турадиган ёшлар орасида тезкор ва самарали ахборот тарқатиш воситасига айланмоқда. Шу билан бирга, ИШИД ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали Интернетдан фойдаланувчиларнинг кенг доирасига мурожаат қилади (А. Хоффман). ИШИД террорчилари ўз аудиториясини кўпайтириш учун виртуал тармоқнинг барча имкониятларидан фаол

фойдаланмоқда. ИШИД турли мақсадлар учун таркиб ишлаб чиқариш учун марказлаштирилган ахборот тизимини яратишга муваффақ бўлди.

Бу ташкилотнинг ахборот тузилмаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

"Al-Furqan Institute for Media Production" – асосий ахборот бюроси;

"Al-I'tisam Media Foundation" – видеофильмлар яратиш студияси;

"Al-Hayat Media Center" – чет эллик истеъмолчилар учун хорижий тиллардаги материаллар, хусусан, "Dabiq" журнали;

"Al-Ajnad Media Foundation" – исломий қўшиқлар (нашид), мусиқа ва шеърларни тарқатиш;

"Furat Media" – Россия ва Марказий Осиёнинг собиқ Совет республикалари, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё учун материаллар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, террорчилик ташкилоти ўз номини жуда яхши танлади, қидирув сўровлари учун иккита машҳур атамани бирлаштирилса бўлди: "ислом" ва "давлат", бу омиллардан ҳеч бўлмаганда ушбу террорчилик ташкилоти тўғрисидаги маълумотни топиш жуда осон эканлигига таъсир кўрсатди. Шунингдек, ИШИД ахборот бюроси мутахассислари ҳаштегларнинг маълум бир тизимини ишлаб чиқдилар, улар ёрдамида керакли ҳисоб ва постларни ҳам топиш мумкин.

Одатда, фойдаланувчилар "хилафа" (халифалик), "давлати исломия" (Ислом давлати), "jund al-khilafa" (халифалик аскарлари), "shabakat al-jihad al-alamiyyi" (дунё миқёсидаги жиҳодчилар тармоғи) ҳаштегларини ва шунингдек, дунё миқёсидаги жиҳодчилар тармоғини бошқарадилар. жиҳодчи сайтлар "a'maq ikhbariyya" (маълумотларнинг чуқурлиги) ва "ansar al-mujahidin" (мужоҳидлар издошлари) номларидан келиб чиққан. Хабарларни топиш ва ҳисобларни блокировка қилиш жараёнини кечиктириш учун кўпинча араб эпитетлари ҳаштегларга қўшилади.

НАТИЖА

Дин эътиқод қилувчилар тафаккури ва хатти-ҳаракати координаталарини белгилайди. Шу тарзда у нафақат маълум бир ижтимоий феноменларни пайдо қилади, балки уларни шакллантиради ҳам. Сакраллаштириш ёки десакрализация, поклаш ёки қоралаш, тизимли диний маданият доктринасини яратиш ёки мавжудини вайрон қилиш, ижтимоий янгиланиш, янги ижтимоий гуруҳларни шакллантириш ва тасдиқлаш орқали амалга оширилади. Дин Интернет орқали ҳам ижтимоий функциясини шу тарзда амалга оширади. Диндор онгини конкрет Интернет-ресурслар диний маъно-мазмун билан бойитади, диний мазмундаги маълумотлардан тезлик билан хабардор бўлишга имкон беради. Интернет-ресурслар томонидан талқин этилаётган гуноҳ-савоб, поклик-маъсият, эзгулик-ёвузликнинг ўзига хос талқинини беради ва бу бутун жаҳон ўргимчак тўри бўйлаб саёҳат қилаётган диндорга айрим сайтларни кўриш, айримларидан қочишни кўрсатувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади, келаётган ахборотларни у ёки бу тарзда баҳолаш маълум бир мулоқот стилига амал қилишни ўргатади. Бу ўзига хос ахборот фильтри бўлади. Унинг натижалари эса турли хил характерда ва йўналишда бўлади. Баъзи тадқиқотчилар Интернетни бир қатор технологик новациялар қаторида кўрадилар, унда микрочиплар, генли инженерия, клонлаштириш мақсадларининг амалга оширилишини фараз қиладилар. Шу сабабли ҳам 2012 йилда Исроил сефардлари маънавий лидерлари Интернетдан фойдаланишни ман қилганлар, уларнинг фикрича, Интернет "оилаларни бузиб, инсон қалбини чиркин ҳолга олиб келиб қўяди". Шу боисдан ҳам виртуал таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларни радикал таъсир қилувчи айрим контентлар ҳақида огоҳлантириш ўзига хос самарадорликка эга. Баъзида айрим гуруҳдаги инсонлар учун бундай виртуал маконда тарқатилаётган диний ғоялар зарарли эканлиги таъкидланади. Масалан, 2013 йилда Facebookдан фойдаланиш ман қилинган.

Эрон теократик мамлакатида доимий равишда исломга зид меъёрлар сифатида "сиёсат, "аёллар ҳуқуқи" масалаларини ёритган" ресурслар, ижтимоий тармоқлар блокланади".

Дин ва диндорлик ижтимоий ҳаётнинг ахборотлашуви асрига келиб янги импульс олмоқда, ривожланишнинг янги даражасига чиқмоқда. Ҳозирги кунда секуляризация борасидаги классик назариялар асосида қилинган хулосалар ўз аҳамиятини йўқотмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда виртуал таҳдидларнинг ёшлар онгига салбий таъсирини бартараф этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади: биринчидан, ёшларда Интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини, дин ниқобидаги керакли маълумотларнигина олишлари учун виртуал ахлоқни шакллантириш зарур; иккинчидан, ёшлар онгли равишда реал ҳаётдан виртуал ҳаётни фарқлай билиши учун миллий ғояни сингдириш, таълим-тарбия ишларини янада кучайтириш лозим; учинчидан, миллий

ижтимоий тармоқлар фаолиятини ривожлантириш, уларда ёшларнинг фаоллигини ошириш ҳамда қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Muhammadsidiqov, M. (2016). The Evolution of Islamic Politicization Process. International Journal of Multidisciplinary and Current Research.Available at: pdfs.semanticscholar.org/ c85f/0282346d200850b1d9ceb8bf95b2bfdde7de.pdf.
2. Ўзр ПР Фармони. (2017). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги., – Б.27.
3. Расторгуев С. П. (1999). Информационная война. М: Радио и связь, , - 416 с. С. 55.
4. Г.Померанц. (1998). Страстная односторонность и бесстрастие духа – СПб.: . Университетская книга, , – Б. 617.
5. Н.Абдуазизова. (2010/1). Ахборот майдони ҳимояси //Ўзбекистон матбуоти. -Б.27.
6. Muhammadsidiqov, M. (2018). The influence “Religious factor” on ethno-political confessional conflicts in muslim countries. The light of islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 18. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/18.
7. B.Sweetman. (2003). High Tech and Low Cunning. // Jane’s International Defense Review, – P. 79-83.
8. С.Отамуродов. (2008). Глобаллашув ва миллат. Янги аср авлоди, , – Б. 170.
9. А.Хоффман. (б.д.). The Islamic State’s Use of Social Media. Terrorism’s Siren Song in the Digital Age // URL: https://docplayer.net/58644484-The-islamic-state-s-use-of-social-media-terrorism-s-siren-song-in-the-igitalage.html.
10. А. Очилдиев. (2007). Барқарорлик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети, – Б.8.
11. Statement by the Delegation of the United States of America, to the Other Disarmament Issues and International Security Segment of Thematic Debate, in the First Committee of the Sixty-seven Session of the United Nations General Assembly. New York, November 1, 2012. Точка доступа: http://geneva.usmission.gov/2012/11/23/us-first-committee/ (дата обращения: 17.12.2013).
12. The Cyber Threat. On the Front Lines with Shawn Henry. Federal Bureau of Investigation, March 27, 2012. Режим доступа: http://www.fbi.gov/news/stories/2012/march/shawn-henry_032712 (дата обращения: 16.12.2013).
13. The Strategic National Risk Assessment in Support of PPD 8: A Comprehensive Risk-Based Approach toward a Secure and Resilient Nation. Department of Homeland Security, December 2011. Режим доступа: http://www.dhs.gov/xlibrary/assets/rma-strategic-national-risk-assessment-ppd8.pdf (дата обращения: 16.12.2013).
14. Qambarov, A. (2020). Kishilar ong ostiga ta’sir o’tkazish orqali ekstremistik oqimga jalb etish usullari va ularni reabilitasiya qilish yo’llari. Islom - tinchlik va bag’rikenglik dini” mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi materiallari to’plami (04.06.2020), (pp. 349-355). Toshkent.
15. Kalandarova, D. U. (2020). Religion and social identity analysis in virtual space. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(10), 1164-1168.
16. Dono, K. (2020). Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар, 2(3).
17. Kalandarova, D. (2020). Features of aspects of information exchange. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
18. Ugli, A. Z. Z. (2020). THE PLACE OF ALIKHANTORA SOGUNIY IN THE HISTORY OF EAST TURKESTAN. In Colloquium-journal (No. 24 (76)). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.
19. Arslonov, Z., & Ergashev, H. (2020). ALIKHANTORA SOGUNIY’S VIEWS ON POLITICAL GOVERNANCE IN EAST TURKESTAN. Студенческий вестник, (32-2), 84-85.
20. Raximdjanov, D. (2019/1). Glabollashuv jarayonida ekstremizm g’oyalari ta’siriga tushgan kishilarni ijtimoiy reabilitasiya qilishning ahamiyati. Islom Ziyosi, 71-74.
21. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLAShUV ShAROITIDA ISLOM MA’RIFATINI ShAKLLANTIRISh MASALASI. GLOBALLAShUV ShAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYaSINING MA’NAVIY-MA’RIFIY TEXNOLOGIYaLARI (pp. 69-72). Tashkent: O’zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
22. Saidjalolov, S. (2019). Yoshlar tarbiyasida mafkuraviy immunitetni kuchaytirishning zamonaviy vositalari haqida. https://docs.google.com/document/d/1IPZjJoCW-LxDoEN1nut4V6e-z-Upy2kVpTWQwsMJj6Y/edit?usp=sharing, (pp. 215-217). Toshkent.

REFERENCES:

1. Muhammadsidiqov, M. (2016). The Evolution of Islamic Politicization Process. International Journal of Multidisciplinary and Current Research.Available at: pdfs.semanticscholar.org/ c85f/0282346d200850b1d9ceb8bf95b2bfdde7de.pdf.
2. O’zR Prezidenti Farmoni (2017). O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida /Rasmiy nashr/ O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – 27 b.
3. Rasturguyev S.P. (1999). Informatsionnaya voyna. M: Radio i svyaz. - 416 s.
4. G. Pomerants. (1998). Strastnaya odnostoronnost I besstrastie duha. – SPb.: Universitetskaya kniga. – 617 b.
5. N. Abduazizova. (2010/1). Axborot maydoni himoyasi // O’zbekiston matbuoti, - B. 27.
6. M. Muhammadsidiqov. (2018). The influence “Religious factor” on ethno-political confessional conflicts in

muslim countries. The light of islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 18. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/18.
7. B.Sweetman . (2003). High Tech and Low Cunning. // Jane's International Defense Review, – P. 79-83.
8. S. Otamurodov. (2008). Globallashuv va millat. Yangi asr avlodiЯнги аср авлоди, , – Б. 170.
9. A. Xofmann. (b.d.). The Islamic State's Use of Social Media. Terrorism's Siren Song in the Digital Age // URL: https://docplayer.net/58644484-The-islamic-state-s-use-of-social-media-terrorism-s-siren-song-in-the-igitalage.html.
10. A. Ochildiyev. (2007). Bag'rikenglik – barqarorlik va taraqqiyot omili. –T.: Toshkent islom universiteti.
11. Statement by the Delegation of the United States of America, to the Other Disarmament Issues and International Security Segment of Thematic Debate, in the First Committee of the Sixty-seven Session of the United Nations General Assembly. New York, November 1, 2012. Точка доступа: http://geneva.usmission.gov/2012/11/23/us-first-committee/ (дата обращения: 17.12.2013).
12. The Cyber Threat. On the Front Lines with Shawn Henry. Federal Bureau of Investigation, March 27, 2012. Режим доступа: http://www.fbi.gov/news/stories/2012/march/shawn-henry_032712 (дата обращения: 16.12.2013).
13. The Strategic National Risk Assessment in Support of PPD 8: A Comprehensive Risk-Based Approach toward a Secure and Resilient Nation. Department of Homeland Security, December 2011. Режим доступа: http://www.dhs.gov/xlibrary/assets/rma-strategic-national-risk-assessment-ppd8.pdf (дата обращения: 16.12.2013).
14. Qambarov, A. (2020). Kishilar ong ostiga ta'sir o'tkazish orqali ekstremistik oqimga jalb etish usullari va ularni reabilitasiya qilish yo'llari. Islom - tinchlik va bag'rikenglik dini" mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi materiallari to'plami (04.06.2020), (pp. 349-355). Toshkent.
15. Kalandarova, D. U. (2020). Religion and social identity analysis in virtual space. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(10), 1164-1168.
16. Dono, K. (2020). Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар, 2(3).
17. Kalandarova, D. (2020). Features of aspects of information exchange. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
18. Ugli, A. Z. Z. (2020). THE PLACE OF ALIKHANTORA SOGUNIY IN THE HISTORY OF EAST TURKESTAN. In Colloquium-journal (No. 24 (76)). Golopristanskiy miskrayonniy sentr zanyatosti.
19. Arslonov, Z., & Ergashev, H. (2020). ALIKHANTORA SOGUNIY'S VIEWS ON POLITICAL GOVERNANCE IN EAST TURKESTAN. Студенческий вестник, (32-2), 84-85.
20. Raximdjanov, D. (2019/1). Glabollashuv jarayonida ekstremizm g'oyalari ta'siriga tushgan kishilarni ijtimoiy reabilitasiya qilishning ahamiyati. Islom Ziyosi, 71-74.
21. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLAShUV ShAROITIDA ISLOM MA'RIFATINI ShAKLLANTIRISh MASALASI. GLOBALLAShUV ShAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYaSINING MA'NAVIY-MA'RIFIY TEXNOLOGIYaLARI (pp. 69-72). Tashkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
22. Saidjalolov, S. (2019). Yoshlar tarbiyasida mafkuraviy immunitetni kuchaytirishning zamonaviy vositalari haqida. https://docs.google.com/document/d/1IPZjJoCW-LxDoEN1nut4V6e-z-Upy2kVpTWQwsMJj6Y/edit?usp=sharing, (pp. 215-217). Toshkent.